

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР СОҲАСИ МУТАХАССИСЛАРИНИ КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2025-25-5-12>

Лутфиддин Насруллаевич Ходжаев
ЖИДУ ҳузуридаги Дипломатик Академия
Дипломатик ходимларни қайта тайёрлаш кафедраси мудири
Тел.: +9989 90 952 65 17, 1.khodjaev@uwed.uz
Khbuxariy58@gmail.com

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон олий таълим муассасасида халқаро муносабатлар соҳаси мутахассисларини касбий тайёрлашининг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилади. Муаллиф дипломатик хизматнинг муҳим жиҳатларини ва бўлажак халқаро муносабатлар соҳаси мутахассисларига қўйиладиган талабларни норматив-хуқуқий ҳужжатлар асосида кўриб чиқади.

Рисолада маданиятлараро мулокотнинг халқаро муносабатлар тизимида тутган ўрни, хорижий тилларни билишининг халқаро ҳамкорлик муваффақияти ва ташқи сиёсат маҳкамаси олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишидаги аҳамияти таҳлил этилади.

Калим сўзлар: касбий фаолият, дипломат, халқаро муносабатлар, маданиятлараро мулокот, кўнирма, лисоний-маданий, ахборий-таҳлилий маълумот.

Abstract. This article describes the unique characteristics of professional training for specialists in international relations within higher education institutions in Uzbekistan. The author examines key aspects of diplomatic service and the requirements for future international relations specialists, drawing on relevant regulatory legal acts.

The paper also analyzes the role of intercultural dialogue in international relations, the importance of foreign language proficiency for successful international cooperation, and the achievement of national foreign policy objectives. **Keywords:** professional activity, diplomat, international relations, intercultural dialogue, skills, linguistic-cultural, information and analytical information..

Keywords: professional activity, diplomat, international relations, intercultural dialogue, skills, linguistic-cultural, information and analytical information.

Дипломатия соҳаси қадимдан фахрли ва жозибали касблардан ҳисобланган. Бу маълум маънода янги инсонлар билан танишиш, хорижий мамлакатларга сафар қилиш ва дунёни англашни билдиради. Шу билан бирга айтиш зарурки, дипломатик хизматни ихтиёр айлаган ҳамма талаба муносабатлар соҳаси мутахассиси келгусида касбининг ўзига хос қандай хусусиятлари билан тўқнашиши мумкинлигини доимо ҳам яхши идрок этмайдилар.

Ушбу ҳолат нафақат республикамиз ёшлари вакиллари, балки муаллиф фаолият олиб борган Яқин Шарқ мамлакатлари ташқи сиёsat маҳкамалари ходимлари ҳам дипломатия соҳасини танлаган университетлар битириувчиларининг дипломатик касб нимадан иборат эканлиги ва унинг ўрни қандай аҳамият касб этишига оид билимлари асослари тушунчасида айрим “бўшлиқлар” мавжудигини таъкидлайдилар.

Дунёning аксарият мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам ҳалқаро муносабатлар соҳаси ходимлари, айниқса дипломатлар фаолияти ва уларни касбий тайёрловчи олий таълим муассасалари таълим жараёни Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенцияси (1961 й.), Консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена конвенцияси (1963 й.) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августдаги Давлат фуқаролик хизматлари тўғрисидаги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 июлдаги «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тизимли ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги 330-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари” тўғрисидаги 5117-сон қарори ҳамда бошқа норматив-хукуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ҳалқаро муносабатлар соҳасининг бўлгуси мутахассислари касбий фаолияти кўп қиррали бўлиб, ўз ичига дипломатик, сиёсий фаолият ҳамда ҳалқаро ташқи сиёsat, савдо-иқтисодий, ҳарбий, хавфсизлик ва маданий-гуманитар соҳалардаги жорий тенденцияларни ўрганишга оид ахборий-таҳлилий ишларни қамраб олади[1].

Бўлажак халқаро муносабатлар мутахассиси нафақат музокараларни олиб бориши, балки кўп ҳолларда таржимон, референт-котиб вазифаларини бажаришга қодир бўлиши керак. Шу боис, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига (ЖИДУ) турдош бўлган Москва халқаро муносабатлар университети (МГИМО), Озарбайжон Дипломатия академиясида, Туркманистон халқаро муносабатлар институтида хорижий тилларни ўқитиш ва таржимонлик компетенцияларини шакллантиришга катта эътибор қаратилади.

Жумладан, МГИМОда хорижий тил бўйича битирув давлат имтиҳони касбий мавзуга оид мақола ёзма таржимаси, касбга оид рангли суратдаги матнлар таржимаси ва оғзаки кетма-кет таржимадан иборат бўлади. Мутахассисликка оид тил МГИМОда, Туркманистон халқаро муносабатлар институтида 4 йил давомида барча факультетларда, иккинчи хорижий тил эса 2-4 курсларда интенсив шаклда олиб борилади.

Мамлакатимизда халқаро муносабатлар соҳаси мутахассислари асосан ЖИДУда, шунингдек Тошкент давлат шарқшунослик университети (ТДШУ) ва Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясида (ЎХИА) тайёрланади. Жумладан, ТДШУ ва ЎХИАда иккинчи хорижий тил асосий касбий тил билан тенг равищда 4 йил давомида ўқитилади. ЖИДУда эса, иккинчи хорижий тил таълими 2024-2025 ўқув йилидан бошлаб фақат 2-3 босқичларда амалга оширилади. Олдинги йилларда эса 4-босқич 7-семестрида ҳам хорижий тил бўйича таълим жараёни олиб борилган. Ҳозирги мавжуд ҳолат ЖИДУ битирувчиларининг иккинчи чет тили бўйича билимларини Б-2 босқичига олиб чиқишига имкон бермайди. Шу боис, ЖИДУда иккинчи хорижий тилни 4-босқич 7-семестрида ҳам давом эттириб, тил таълими жараёнида талабаларнинг кўпроқ ёзма ва оғзаки таржима кўнималарини шакллантиришга эътибор қаратиш керак.

Халқаро алоқалар доимо маданиятлараро мулоқотни ҳам назарда тутади. Шу нуқтаи назардан ЖИДУ битирувчилари тили ўрганилаётган мамлакатнинг лисоний-маданий хусусиятларини пухта билиши ва маданиятлараро мулоқотда юз бериши мумкин бўлган тўсиқларни бартараф этиш ва маданиятлараро низоларга йўл қўймаслик маҳорати ва кўнималарини пухта билишлари керак. Шу боис ҳам хорижий тилларни ўқитиш бевосита тили ўрганиладаган давлатга оид мамлакатшунослик фанини ўқитиш билан чамбарчас боғлиқ. Афсуски, ЖИДУ таълим дастурида ушбу йўналиш минтақашунослик ихтисослиги таркибиға киритилган ҳолда олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ЖИДУ Халқаро муносабатлар факультети таълим дастурига “Юмшоқ куч”, “Иқтисодий дипломатия”, “Рақамли дипломатия”, “Маданий дипломатия”, “Бизнес маданияти” каби маҳсус ўқув курсларининг киритилаётгани эътиборга лойиқдир. Шунингдек, ЖИДУ талабаларига атроф-муҳит, экология, сув муаммоси, “яшил энергия”, спорт дипломатияси каби йўналишларида таълим берилмоқда. Касбий тайёрғаликдаги мазкур соҳаларнинг барчаси халқаро муносабатлар назарияси ва амалиёти бўйича нафақат умумий тайёргарликни, шунингдек, муаяйн касбий мавзуларни ҳам чуқурроқ ўрганишни тақозо этади.

Шундай қилиб, ЖИДУда касбий тайёргарлик ушбу олий таълим муассасаси битирувчиларига мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлигида, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигида, бошқа вазирликлар, давлат ва хусусий сектор корхоналарида, халқаро ташкилотларда фаолият олиб боришиларига имкон беради. Аммо қўпгина талабалар Ташқи ишлар вазирлигида ишлашни хоҳлайдилар.

Мутахассислар фикрича, ҳозирги илмий адабиётда дипломатик хизматнинг ўрни ва аҳамияти, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг фаолиятига оид олиб борилаётган тадқиқотлар етарли эмас. Шу учун ҳам дипломат касби нимадан иборат эканлиги, дипломат шахсига қўйиладиган касбий талаблар, унинг қандай шахсий сифатларга эга бўлиши зарурлигини тушуниши керак. Энг муҳими, дипломат ҳақиқий ватанпарвар бўлиши, ўз халқи, ўз юртининг чинакам фидойиси бўлиши зарур [2].

Дипломатия жуда кўп қиррали касб, чунки дипломатлар кенг доирадаги, жумладан, сиёсий, иқтисодий, савдо, ҳуқуқий ва маданий масалаларни ҳал қилишлари керак. Дипломат яхши мулоқотчи, музокарачи, таҳлилчи, халқаро майдонда ўз мамлакатини муносиб тақдим эта оладиган ва унинг манфаатларини ҳимоя қила оладиган, катта билим, тажриба, тушунча соҳиби, хорижий тилларни эгаллаши, ҳам ўз ҳукумати, ҳам мезбон давлат ҳукуматининг ишончидан баҳраманд, асабий таранглик, ниҳоятда мураккаб вазиятларда ҳам сабру-чидамли ва ўзини бошқарадиган бўлиши керак.[3].

Энг аввало ушбу касб узоқ тарихий даврда инсон фаолиятининг тажрибасини умумлаштиради ҳамда тарих, иқтисод, халқаро муносабатлар, ҳуқуқ, социология, антропология, экология, мамлакатшунослик, тилшунослик каби маҳсус фанларнинг мағзини ташкил этади. Дипломат касбининг тавсифи кенг қиррали. Лекин қўпгина хорижий ва тажрибали ўзбек дипломатларимизнинг фикрича, воқса-ходисалар шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги мураккаб замонда айрим лавозимларга

тайинлашда устуворлик бўлғуси дипломатларнинг шахсий сифатларига қаратилиши даркор.

Ушбу ўринда таълим жараёнида дипломатлар, халқаро муносабатлар соҳаси мутахассисларини тайёрлашда муҳим йўналишлардан ҳисобланган хорижий тилни ўқитиш ва маданиятлараро мулокотга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Халқаро муносаблар талабасининг, айниқса, бўлғуси дипломатни касбий ўзига хослиги ва унинг салоҳиятини шакллантиришда хорижий тил таълими сифати муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, сифатли тил таълими талабага ўз диққат-эътиборини бўлғуси касбига қаратиш, унинг аҳамиятини ҳис этиш ва эгаллаган билимларини амалиётда қўллаш имконини беради.

Бўлажак дипломатлар ва халқаро муносабатлар мутахассисларини хорижда ишлашларига тайёрлашда алоҳида эътиборни нафақат мезбон мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий омилларини ўрганишга, шунингдек, талabalарнинг маданиятлараро мулокот компетенцияларини шакллантиришга ҳам қаратиш даркор. Талabalarda бошқа маданият қарашлари ва фикрларини тушуниш, ўз хулқ-авторини ўнглаб олиш, мулокот жараёнида юз бериши мумкин бўлган ихтилофларни бартараф этиш, турли қадриятлар, ахлоқ нормалари мавжудлигини эътироф қилиш каби касбий қобилияtlарни шакллантириш жуда муҳимdir [4].

Юқорида қайд этилганидек, бўлажак дипломатларга қўйиладиган ҳозирги давр талablari сифатида маданиятлараро мулокотдан ташқари инқирозли ҳолатларда асабий таранглик ва босимга чидамли бўлиш, гуруҳда ишлаш қобилияти, юксак даражада бағрикенглик каби кўникма ва қобилияtlарни кўrsatiш мумкин. Маданиятлараро мулокот турли маданияtlар ва маданий гуруҳлар ўртасида муносабатлар жараёнида юзага келадиган бегоналиқ ўзаро муносабатларга таъсир этувчи омил сифатида талқин қилинади. Ўз навбатида маданиятлараро мулокот самарадорлигининг асосий шартларидан бири ўзаро англашув, маданияtlар ўртасида суҳбат, бағрикенглик, мулокотдаги ҳамкорнинг маданиятини ҳурмат қилиш ҳисобланади. Ушбу тушунчалар бўлғуси дипломатлар томонидан дастурул амал сифатида англанилиши зарур [5].

Мазкур йўналишда халқаро муносабатлар соҳаси талabalарини профессионал тайёрлаш ва касбий хослигини шакллантиришда ЖИДУ билан ҳамкор хорижий олий таълим муассасаларига стажировка ва курсларда иштирок этиш муҳим роль ўйнайди. Бундай тадбирлар талabalарга хорижда ўқишининг хусусиятларини ҳис этиш, бошқа маданият вакили билан мулокот

қилиш тажрибасига эга бўлиш, жонли тил мухитида амалий сўзлашув қобилиятларини мустаҳкамлашга имкон беради.

Шунингдек, ЖИДУ талабаларининг Ўзбекистон Республикасининг хориждаги элчихоналарига амалиётга юборилишлари ва талабаларнинг дипломолди амалиёти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки ушбу амалиётлар давомида талабалар касбий вазифаларини бажариб, касб танлашлари қанчалик тўғри бўлгани, касбий ва тил ўрганиш компетенциялари қай даражада шаклланланганини идрок этадилар. Дипломолди амалиётини муваффақиятли яқунлаш битиравчиларнинг кейинчалик ўзларига муносиб ишга жойлашувларига ҳам ёрдам беради.

Дипломатик фаолиятда ахборий-таҳлилий ишнинг беқиёс аҳамиятини таъкидлаган ҳолда, халқаро муносабатлар ихтисослиги талабалари - бўлғуси дипломатлар қўп ҳажмда турли манбалардан, хусусан, интернет тармоғидан олинадиган хабарларни сифатли қабул қилиш, ҳақиқий маълумотни “ёлғон” ва аҳамиятга молик бўлмаган ахборотлардан ажратиб билиш қобилиятларни шакллантиришга устувор эътибор қаратишлари даркор [6].

Ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикасининг хориждаги элчихоналари фаолияти асосий йўналишларидан бири мезбон давлатда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни фақат қонуний воситалар билан кузатиш, аниқлаш ва таҳлил қилиш ҳамда мамлакат Ташқи ишлар вазирлигини тезкор равишида хабардор этиш ҳисобланади.

Таъкидлаш зарурки, ахборот таъминоти ўз вақтида, долзарб, ишончили, конфиденциал, тўлиқлик ва янгиликдан иборат бўлган талабларга жавоб бериш керак. Дипломатлар томонидан таёrlанадиган таҳлилий маълумот Ўзбекистон манфаатлари учун муҳимлигига алоҳида эътибор қаратиб, маълумот воқеа ва ҳодисаларга муносабат билдирилган хулоса ва таклифларни қамраб олиши керак.

Демак, ахборий-таҳлилий маълумот муаммонинг мағзини ёритиб бериб, унинг жорий вақтдаги ҳолати, ўрганилаётган масаланинг ривожланиш бўйича эҳтимолли башорат ва унинг республикамиз учун аҳамияти ҳамда раҳбарият учун хулоса ва таклифларни ўзида акс эттириши керак.

Қўп ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналари томонидан тайёрланадиган таҳлилий маълумотлар конфиденциал/маҳфий ҳужжатлар шаклида тайёрланиб, унда хулосалар ва таклифларга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Бундай ҳужжатлар одатда мезбон давлатдаги ҳукмрон доира вакиллари, ҳукмрон оиласлар, давлат ва сиёсий партиялар арбоблари ўртасидаги муносабатларга оид бўлади. Хусусан, бундай маълумотнома мамлакат ташқи ва ички сиёсатини шакллантириш ва

амалга ошириш, ахборий-таҳлилий материалларни тайёрлаш ва дипломатик тадбирларни (олий ва юқори даражадаги) ташкиллаштиришга бевосита дахлдор бўлган шахслардан олинадиган ахборотларга асослангани жуда долзарбdir. Бинобарин, бундай контактлар ўрганиладиган масалалар бўйича етарли даражада салоҳиятга эга [7].

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат бошқарувига келганидан сўнг, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда унинг ҳузуридаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш борасида бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 июлдаги «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тизимли ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги 330-сон қарори асосида ўкув режалари ва ва дастурлари дунёning илғор университетлари тажрибасини ўрганиш ва ҳозирги замон илм-фани тараққиёти талаблари асосида янгиланди. Иқтисодий, рақамли, халқ дипломатияси ва “юмшоқ куч” йўналишлари алоҳида амалий аҳамиятга эга бўлгани учун бу соҳаларда мутахассислар тайёрлашга эътибор кучайтирилмоқда.

Ўзбекистонда дипломатик ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ЖИДУ ҳузурида нафақат Ташқи ишлар вазирлиги, балки бошқа вазирликлар, манбаатдор давлат ташкилотлари ва хусусий сектор тузилмалари ходимлари учун турли малака ошириш курсларини ўтишга мўлжалланган, замонавий техник воситалар билан жиҳозланган Дипломатик академия ташкил этилди.

Ҳозирги кунда Дипломатик академия фаолиятида зикр этилган малака ошириш курсларидан ташқари иқтисодий дипломатия, дипломатик ва консуллик хизмати ҳамда 2025-2026 ўкув йилидан эътиборан Хиндистоннинг “МЕРИ групп оғ инститюшн” билан ҳамкорликда менежмент ихтисослиги бўйича олий таълимнинг магистратура босқичи мавжуд.

Юқорида зикр этилганидек, Ўзбекистон Раҳбари томонидан маъмурий ислоҳотлар доирасида мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга оид қатор қарорлар қабул қилинди. Илк бор Вазирликнинг марказий аппарати ва дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари ва ходимлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолашнинг ягона мезонлари ишлаб чиқилди. Натижада сўнгти саккиз йил давомида энг муносиб, билимли ва теран фикрловчи ёш кадрларни дипломатик фаолиятга жалб этиш борасида муюян ишлар амалга оширилди, уларнинг малакасини ошириш ва қасбий ўсиши учун зарур шарт-шароитлар

яратилди. Дипломатик ходимларнинг ижтимоий ва моддий таъминотини таъминлашга оид амалий чоралар белгиланди. Эндиликда “Дипломатик хизмат тўғрисида”ти қонун лойиҳаси бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам поёнига етказилди ва хужжат яқин истиқболда қабул қилинишига умид қиласиз.

Шундай қилиб, халқаро муносабатлар мутахассислиги бўйича касбий таълим фанларини саралаш, ўқув режалари ва силлабусларни ишлаб чиқишида ихтисослик тегишли норматив-қонуний хужжатлар ҳамда касбий фаолиятнинг ахборий-таҳлилий, ташкилий-протокол ишлари, хорижий тилларни қўллаш ва маданиятлараро мулоқотга тайёргарликдан иборат ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда белгиланиши керак.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Lazorkina O.I. Nekotoliye aspekti podgotovki diplomaticeskikh kadrov.: istoriya i sovremennoст/Trudi fakulteta mejdunarodnix otnosheniy: nauchniy sbornik. Vipusk-5, Minsk, 2014, 160 s.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Tashqi shlar vazirligi va mamlakatimizning xorijdagi elchixonalari faoliyatiga bag’ishlangan yig’ilishidagi nutqi/ [Продвижение интересов Узбекистана на международной арене – основная задача нашего дипломатического корпуса](#)
3. Muvaqqiyatli diplomat qanday xususiyatlarga ega bo‘lishi kerak? Emirates Diplomatic Akademy, 2017-yil, 2-son (in arabic). <https://www.agda.ac.ae/docs/default-source/Publications/edareflectiongoooddiplomatarabic.pdf?sfvrsn=2>
4. Samoylenko V.V. Professoionalnie sekreti diplomata, s.26-31, Moskva-2018
5. Voevoda Y.V. Podgotovka spesalistov-mejdunarodnikov k mejkulturnoy kommunikatsii v professionalnom diskurse. Sovremennaya kommunikativistika. 2012, pp.26-31 (in Russian).
6. Samoylenko V.V. Professoionalnie sekreti diplomata, s.25, Moskva-2018
7. Popov V.I. Sovremennaya diplomatiya, p.34-35. Moskva 2003 (in Russian)